

Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Республика диетология ўқув-илмий маркази Ибн Сино жамоат фонди билан ҳамкорликда “Соғлом ва парҳез овқатланишнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги илмий – амалий семинар 2017 йил 12 май куни соат (10:00 – 16:00) Тошкент тиббиёт академиясининг академик лицей залида ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланиш соҳасида амалга оширилаётган чора – тадбирларини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2015 йил 25 апрелдаги 102 – сонли, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2015-2020 йиллар даврида, Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишни таъминлаш концепциясини ва чора – тадбирлар комплексини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2015 йил, 29 августдаги 251-сон қарорларини амалга ошириш юзасидан олиб борилаётган илмий изланишлар натижалари муҳокама этилди.

Семинар иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг кўрсатма хати асосида ташкилотлар томонидан белгиланиб, таклиф этиладилар. Семинар илмий тўплами, дастур, сертификат ва тушлик хомийлар томонидан ташкил этилади. Сайтда семинар илмий тўплами, дастурининг, электрон шакли, ҳамда иштирокчилар олдиндан хоналарни банд этиши учун Тошкент тиббиёт академияси яқинидаги мехмонхоналар манзили ва мулоқот телефонлари келтирилди.

**Ташкилий қўмита мулоқот тел: (+90) 351-44-76, (+94) 640-30-46, (+71) 150-97-71**